

JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

Tariyx. Huqıqtanıw. Ruwqıylıq tiykarları

ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИ УЧУН ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА КЎП ТОМОНЛАМА ШЕРИКЛИК ТРАСТ ЖАМҒАРМАСИ

О.Б.Абдимўминов – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти

Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси

Таянч сўзлар: Орол муаммоси, БМТ, Ўзбекистон, Марказий Осиё, инсон хавфсизлиги, Траст жамғарма, экология, кўптомонлама ҳамкорлик.

Ключевые слова: проблема Аральского моря, ООН, Узбекистан, Центральная Азия, безопасность человека, Траст фонд, экология, многостороннее сотрудничество.

Key words: Aral Sea problem, UN, Uzbekistan, Central Asia, human security, Trust Fund, ecology, multilateral cooperation.

Кириш. БМТ тизимида кўптомонлама шерикликка асосланган махсус фондлар мавжуд. Жумладан, гуманитар жамғармалар, тинчлик ва ўтиш даври жамғармалари, тараққиёт жамғармаси, иқлим ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фондлари, глобал, минтақавий ва мамлакат даражасидаги жамғармалар шунингдек, маълум бир минтақани қайта тиклаш ривожлантириш, ёки маълум бир мақсадларни амалга оширишга қаратилган транзит жамғармалари фаолият олиб боради. Уларнинг фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича БМТда 2004 йилда кўптомонлама шериклик Траст фонд офиси [2] ташкил этилган бўлиб, мавзур офис молиялаштириш бўйича экспертиза маркази хисобланади.

БМТ таркибидаги кўптомонлама траст жамғармалар дунёнинг **сиёсий** (Афғонистон, Жанубий Судан, Конго, Сомали, Марказий Африка гуманитар жамғармаси, Тинчлик, в.б.), **иқтисодий** (БМТ COVID-2019 фонди, миграция жамғармаси, иқтисодий тараққиёт жамғармаси в.х.), **ижтимоий** (Тараққиёт фондлари, БРМ жамғармаси в.б.) ва **экологик** (Ягона сайёра фонди, Иқлим ўзгаришлари жамғармаси, Яшил иқтисодиёт фонди, Марказий Африка ўрмон ташаббуси фаонди в.б.) аҳвол ўта мураккаб бўлган ҳудудларида ташкил этилади.

БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармаси

Марказий Осиё минтақасида Орол денгизи ва Оролбўйи ҳавзаси йирик экологик муаммога айланган. Ушбу ҳудудда рўй берган экологик инкироз иқтисодий, ижтимоий, табиий ва тиббий зарар келтирмоқда. Орол фожеаси ХХI асрнинг дастлабки ўн йилликларидаёқ минтақавий даражадан глобал муаммога айланиб бормоқда. Минтақа мамлакатлари Орол денгизи муаммоси ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун миллий, минтақавий ҳамда глобал даражада ҳаракат қилмоқда. Жумладан, бу борда Марказий Осиё давлатлари турли донор давлатлар билан ўзаро ҳамкорликдан ташқари, деярли ўттиз йилдан буён Орол муаммосини БМТ даражасига олиб чиққан ҳолда халқаро ҳамжамият эътиборини ушбу муаммога берфарқ бўлмасликка даъват қилмоқда.

2015 йилнинг сентябр ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 70-сессияси доирасида бўлиб ўтган Барқарор ривожланиш бўйича Саммитда Ўзбекистон Республикаси томонидан БМТ шафелигида Орол денгизи учун махсус Мақсадли жамғармани ташкил

этиш таклифи билдирилди [2]. Жамғарма Оролбўйи ҳудудидаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш, комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, бу борада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, донор давлатлар ва жамғармалар маблағларини сафарбар этиш учун ягона платформага айланишини таъкидланди. Таклиф БМТ Бош котиби Антониу Гуттеришнинг Ўзбекистонга ташрифи давомида тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Таъкидлаш керакки, 2017 йилдан сўнг Марказий Осиё мамлакатларининг Орол муаммоси ва унинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан ташаббуслари ҳамда БМТ билан бу борадаги ўзаро ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида [7] ушбу муаммога тўхталиб, БМТ томонидан Орол фожиасидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича шу йил қабул қилинган махсус дастур тўлиқ амалга оширилиши зарурлигини қайд этди. 2018 йил 12 апрелда БМТ Бош Ассамблеясининг A/RES/72/273-сонли “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик” [4] резолюцияси қабул қилинди. Унда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидаги ихтисослашган идоралар ва бошқа ташкилотлар, дастур ва жамғармалар, шунингдек, халқаро молия институтлари Оролни қутқариш халқаро жамғармаси билан ҳамкорликни ривожлантиришга эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йилнинг сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзга чиқиб, Орол денгизи қуриши оқибатларини бартараф этиш учун халқаро сай-ҳаракатларни фаол амалга ошириш зарурлигини таъкидлади [7]. Шундан сўнг, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 2018 йил 27 ноябрда БМТ қароргоҳида ташкил этилган олий даражадаги тадбир асосида БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст фонди (*UN Multi-Partner Human Security Trust Fund for the Aral Sea region in Uzbekistan (MPHSTF)*) ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан 2021 йил 18 майда БМТ Бош Ассамблеясининг 75/278-сонли “Оролбўйи ҳудудини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш тўғрисида”ги [4] резолюцияси қабул қилинди. Оролбўйи БМТ Бош Ассамблеяси томонидан экологик инновациялар ва

технологиялар зонаси мақоми берилган илк минтақа бўлди [6:392].

Оролбўйи хавзасида иқтисодий, ижтимоий, тиббий ва экологик муаммоларини бартараф этиш борасида кенг қўламли тадбирларни ташкил этиш, минтақадаги ушбу долзарб муаммога жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратиш, техник ва молиявий ресурсларни жалб қилиш, давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг донорлик ёрдамлари ва бегараз кўмакларини мувофиқлаштириш, энг муҳими Орол инқрози оқибатларига қарши самарали ишларини ташкил этиш Траст жамғармасининг асосий вазифасидир. Жамғарманинг иқтисодий ва молиявий манбалари БМТнинг кўпшериклик траст жамғармасининг Нью-Йоркдаги офиси томонидан амалга оширилади.

Япония, Норвегия, Нигерия, Қозоғистон, Жазиор, шунингдек, қатор нодавлат ташкилотлар вакиллари ушбу фонд фаолиятини қўллаб-қувватлади. Хусусан, 2018 йилнинг ўзидаёқ Норвегия фонд жамғармасига 1,2 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Ўзбекистон ҳукуматининг фонд жамғармасига ҳар йили 2 миллион АҚШ доллари ажратиши белгиланди [5]. Бундан ташқари, БМТ тузумлалари, Европа Иттифоқи, Финляндия, Корея, Ал-Валиид жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳам ушбу жамғармага молиявий ҳамкорлар сифатида иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон, Финляндия, Корея Республикаси ва Европа Иттифоқи ҳукуматларининг 9,1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги молиявий кўмаги асосида глобал КОВИД-19 пандемияси чекловларга қарамай, Траст фонд ўз фаолиятида бир неча муҳим ютуқларга эришди, хусусан, Тахтақўпир ўрмон хўжалигининг техник ва молиявий имкониятларини яхшиланди, бунинг натижасида 3 минг гектардан ортиқ ерга қуриган ерда саксовул экиш, қурғокчиликка чидамли ўсимликлардан қўчат етиштириш учун 49 гектар майдон ва 58 гектар яйлов майдонларида қўчатлар барпо этилди, қуруқ денгиз тубида 2 та илмий экспедиция ўтказилди, 1500 та турли нукталардан 30 дан ортиқ ўсимлик турлари аниқланди ва улар қуриган денгиз тубига экиш учун тавсия этилди. Тахтақўпир туманидаги 5 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 3491 нафар кишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминланди. Қўнғирот ва Беруний туманлари ва Нукус шаҳридаги 3 та перинатал марказни таъмирланди. 8900 дан ортиқ она ва 9000 нафар янги туғилган чақалоқ инфратузилманинг янгиланиши ва тиббий хизмат

сифатининг яхшиланишидан бевосита баҳраманд бўлди. Бу Нукус шаҳар перинатал марказида антенатал ўлим даражасининг 40 фоизга, Беруний ва Қўнғирот перинатал марказларида эрта туғилган чақалоқлар ўлимининг мос равишда қарийб 30 ва 17 фоизга камайишига олиб келди [1:7-8]. Жамғарма 2022 йилда 2 242 300 АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни ўз фаолиятида амалга оширган ҳолда, шу йили Германия давлатининг ҳам бегараз ёрдаimini қабул қилди [1;2]. Мазкур жамғарманинг тузилиши эса бевосита Оролбўйида истиқомат қилаётган аҳолининг иқтисодий, ижтимоий, тиббий, экологик ва бошқа муаммоларига ҳам жиддий эътибор қарата бошлади.

Хулоса. Траст жамғарманинг ташкил этилиши Орол муаммоси ечимига ўзига хос трансформацион ёндашув сифатида юзага келди. Чунки Орол муаммоси бугунги кунда экологик муаммодан кенг қўламли антропоген фалокатлардан бирига айланиб бормоқда. Орол ва Оролбўйи хавзасидаги жиддий экологик вазият шу ҳудудда истимокмат қилаётган аҳоли генофондига ҳам таъсир кўрсата бошлади. Жамғарма ташкил этилгунга қадар муаммога асосан экологик инқироз сифатида баҳо берилди ҳамда асосан Орол денгизи қуриши, флора ва фаунанинг фаолокатга юз тутиши ҳамда шу кабиларнинг оқибатини юмшатишга эътибор қаратилди. Шунингдек, Траст жамғарма ўз фаолиятида ушбу ҳудудда янги экологик инфратузилмаларни яхшилаш, табиий ресурсларини бошқариш, янги иш ўринларини яратиш, таълим, илм-фан ва соғлиқни сақлашда самарали услубларни жорий этиш ишларини йўлга қўйиш, аёллар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини ривожлантириш каби ишларини амалга ошириши мақсадга мувофиқ.

Марказий Осиё давлатлари билан БМТ ҳамкорлиги Орол муаммосини ҳал этишда асосий омил ҳисобланади. Биргаликда ҳаракатларнинг давом этиши экотизимларни тиклаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва минтақада сув ресурсларини бошқариш бўйича умумий қарашларга ва қарорлар қабул қилишга олиб келади. Бизнингча, Марказий Осиё давлатлари БМТ доирасида масалага глобал даражада аҳамият қаратиши, ташкилот ва нуфузли донор давлатлар воситасида Орол фожеаси оқибатларини бартараф этиши зарур. Мазкур масалани мувофиқлаштириш учун Нукус шаҳрида доимий фаолият юритувчи “Марказий Осиё минтақасида экологик муаммоларини илмий ва амалий тадқиқ этиш” марказини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

1. Annual Report 2020 UN Multi-Partner Human Security Trust Fund for the Aral Sea region in Uzbekistan (MPHSTF). – Tashkent: 2021. -P. 7-8.
2. Official web site of The United Nations Multi-Partner Trust Fund Office (MPTFO) <https://mptf.undp.org/page/who-we-are>
3. UN Resolution on “Cooperation between the United Nations and the International Fund for Saving the Aral Sea”. Resolution A/RES/72/273 adopted by the General Assembly UN on 12 April 2018.
4. UN Resolution on “Declaring the Aral Sea region a zone of ecological innovations and technologies”. Resolution A/75/L.83/Add.1 adopted by the General Assembly UN 18 May 2021.
5. БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун траст фонди ташкил этилди // <https://daryo.uz/k/2018/11/29/bmt-shafeligida-oralbo%CA%BByi-mintaqasi-uchun-trast-fondi-tashkil-etildi/> (30.12.2018)
6. Мирзиёев Ш. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2024. 392-б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. / “Халқ сўзи”. 2017 йил 20 сентябрь.

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан ташкил этилган БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик Траст жамғармаси фаолияти ҳақида фикр юритилган. Оролбўйи минтақаси учун инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик Траст жамғармаси Орол муаммоси ва Оролбўйида истиқомат қилаётган инсонлар ҳаёти ва турмуш тарзини янада яхшилаш бўйича БМТ кўмаги ва ҳомийлигида қатор давлатлар шериклигида ташкил этилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматривается деятельность Трестового фонда Многостороннего партнерства ООН по человеческой безопасности для региона архипелага, который был создан по инициативе Республики Узбекистан. Целевой фонд «Многостороннее партнерство по человеческой безопасности для региона Аральского залива» создан в партнерстве с рядом стран под эгидой ООН для дальнейшего улучшения жизни и образа жизни людей, проживающих в регионе Аральского залива.

SUMMARY. This article discusses the activities of the UN Multilateral Partnership for Human Security for the Aral Sea Region, established at the initiative of the Republic of Uzbekistan. The Multilateral Partnership for Human Security for the Aral Sea Region was established in partnership with a number of countries with the support and patronage of the UN to further improve the lives and livelihoods of people living in the Aral Sea region.

СОВЕТ СУД ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

А.Абдуллаев – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: суд, ҳуқуқ, Россия, Совет социалистик федератив республика, бўлинмалар, янги суд, шакл, усул, халқ, комиссариат.

Ключевые слова: суд, закон, Россия, Советский социалистический федеральный республика, подразделения, новый суд, форма, метод, народ, комиссариат.

Key words: court, law, Russia, Soviet socialist federal republic, subdivision, new court, form, method, nation, commissariat

Амударё бўлимида октябрь тўнтаришидан кейин бўлимда ташкил топган ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари совети ўлкада Россия империяси даврида иш олиб борган ҳукумат ташкилотлари ва бошқармалари фаолиятини тугата бошлади. Халқ Комиссарлари Совети бошқарувнинг ўзига хос шакл ва усуллари ишлаб чиқа бошладилар.

Суд-ҳуқуқ тизимига эътибор қаратилди. Мазкур масалалар билан Халқ Комиссарлари Совети, ишчи, деҳқон, солдат депутатлари советлари ижройи кўмиталари тўғридан-тўғри шуғулланди, ҳатто тергов ишларини ҳам олиб борди. Совет давридаги суд-ҳуқуқ тизимининг ривожланишини шартли равишда икки даврга бўлиб ўрганиш мумкин:

Биринчиси – 1917 йилдан 1922 йилгача бўлган давр. Бу даврда совет судлари шакллана бошлади. Ўлкада юз бераётган ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ўзгаришларнинг объектив ва субъектив ҳолатлари ҳам алоҳида роль ўйнади. Бу даврда ҳар хил фавқулодда трибуналлар, комиссиялар ташкил этилди.

Иккинчи давр – 1922 йиллардан бошланган бўлиб, бу даврда суд тузилиши, суд тартиблари ўрнатила бошлаган. Айрим фавқулодда ташкил этилган органлар қисман тугатила бошланган.

Кўп ҳолларда фуқароларнинг судда иши кўрилатганда оддий талаблар бажарилмай, фуқароларнинг гуноҳкор ёки гуноҳкор эмаслигини тасдиқлашга имконият қолмаган. Айрим судьялар ўз лавозимига номуносиб бўлиб, жиноятнинг олдини олиш бўйича етарли иш олиб бормаган [1].

Туркистон Халқ Комиссариатининг 1917 йил 23 ноябрдаги биринчи буйруғи билан Туркистон Республикаси Адлия Комиссариати ташкил топган ва Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Халқ Комиссарлари кенгаши таркибига киритилган. Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг 1917 йил 12 декабрдаги буйруғига биноан судлар, прокурор назорати, тергов ва адвокат ташкилоти [2], шунингдек,

суд тартиблари, округ суди, суд палатаси ва барча номдаги ҳарбий судлар тугатилиши назарда тутган [3].

1917 йил 24 ноябрда Бутун Россия Марказий Ижройи Кўмитаси томонидан Суд ҳақида декрет қабул қилинди. Декретда суд тузилиши ва судга тегишлилик масалалари белгилаб берилди [4]. Унга асосан округ халқ судлари ташкил этилган бўлиб, фуқаролик ишларини кўриб чиққанда округ халқ судларининг доимий аъзоларидан уч нафар, навбатдаги суд маслаҳатчилари ва битта заҳирадаги суд маслаҳатчилари, жиноий ишларда эса 12 нафар навбатдаги суд маслаҳатчилари ва 2 нафар заҳирадаги маслаҳатчилар доимий суд аъзоларидан биттаси раислик қилган ҳолда қараб чиқилган. Навбатдаги суд маслаҳатчилари, шаҳар ишчи, солдат, деҳқон депутатлари советлари томонидан маҳаллий туман, бўлис советлари таклифига ва рўйхатига асосан тузилган. Ҳар бир сессиянинг навбатдаги рўйхати советларнинг ижройи кўмиталари томонидан яширин асосда тасдиқланган. Декретда халқ маслаҳатчилари ва суд тергови масалаларига эътибор қаратилган. Унга асосан халқ маслаҳатчилари суд терговида қатнашиб нафақат жиноят фактларини очган, балки қонунда кўрсатилган жазо меъёрини озайтириш ҳуқуқига ҳам эга бўлган. Ҳатто айбдорни ҳар қандай жазодан шартли ёки тўлиқ озод қилишга шуғулланган. Раиснинг ҳулосавий сўзи бекор қилинган. У фақат қонунда кўзда тутилган жазо тури бўйича ҳулоса берган. Халқ маслаҳатчиларининг кенгашида раис кенгаш овозига эга бўлиб қатнашган.

Халқ судлари ҳукми билан қамалганлар маҳаллий халқ судидан шартли ёки муддатидан олдин озод қилишни ёки ўз ҳуқуқини тиклашни сўраши мумкин бўлган. Агар маҳаллий суд лозим топса ишни бирламчи судга қайтарган. Жиноий, фуқаролик ишлари ва кассация бўйича шикоятларни қараб чиқиш муддати бир ой деб белгиланган. Шикоят суд ҳукмининг ижросини тўхтатган.